**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ**
**ДЕН САЎЛЫҚТЫ САҚЛАЎ МИНИСТРИ**

**Т.Сарбаевқа**

Тийисли илажлар көрилип, әмелге асырылған жумыслар бойынша мағлыўмат берилиўи тамийинленсин

**Орынлаў муддети** **1- кун**

**М.И.КУРБАНОВ**

**№12/** **«26» Май 2023-жыл**

Қарақалпақстан Республикасы инвестициялар ҳәм сыртқы сауда
министрлиги

ЭДО.

Т. Сарба

# QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ MINISTRLER KEŃESININ BASLÍĞÍ

**J.S.YAKUPOV**
B.M.ZARIMOV
M.A.BERDANOV
B.SH.AYMBETOV
B.S.SAPAROV
R.U.RI'SNAZAROV
J.SH.USNATDINOVA
X.R.BAYJANOV
A.M.WOTEPOV
O.A.SAPAROV
K.U.TLEUMURATOV
A.M.IMATOV
M.K.NURMANOV
N.U.YERLEPESOV
A.A.OTEULIYEV
D.J.KAYPOV
A.S.DANIYAROV
R.K.NURAZIZOV
M.X.AXMEDOVA
Р.П.ЗАРИКЕЕВ
SH.K.DAULETIYAROV
N.M.YESHANOV
A.K.ISMAILOV

Қарақалпақстан Республикасы Аўыл хожалығы министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Инвестициялар ҳәм сытқы саўда министрлиги

ЭДО.

Т. сорбас



Қарақалпақстан Республикаси Мектепке шекемги билимлендириў министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Ишки ислер министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Кәмбағалықты қысқартыў ҳәм бәнтлик министрлиги
Qaraqalpaqstan Respublikası Densawlıqtı saqlaw ministrligi
Қарақалпақстан Республикасы Әдиллик министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Мәданият министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Курылыс министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Уй-жай коммунал хызмет көрсетиў министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Транспорт министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Жаслар сиясаты ҳәм спорт министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Қаржы министрлиги
Қарақалпақстан Республикаси Халық билимлендириў министрлиги
Қарақалпақстан Республикасы Туризм ҳәм мәдений мийрас министрлиги
Каракалпакстан Республикасы Тогай Хожалыгы Комитети
Қарақалпақстан Республикасы Ветеринария ҳәм шарўашылықты раўажландырыў комитети
Қарақалпақстан Республикасы Мәмлекетлик салық басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы Статистика басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы Бажыхана басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы Айрықша жағдайлар басқармасы
Бюджетден тысқары пенсия қоры Қарақалпақстан Республикасы басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы Монополияға карсы гуресиў комитети
Мәмлекетлик активлерди басқарыў агентлиги Қарақалпақстан Республикасы басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы бойынша Ғазнашылық басқармасы
Қарақалпақстан Республикасы Гидрометеорология басқармасы

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
KIRIS №01/388
«26» 05 2023 j.

Hujjat kodi: **FK93732189**

QORAQALPOG`ISTON RESPUBLIKASI OILA VA XOTIN-QIZLAR QO`MITASI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGINING DAVLAT KADASTRLARI PALATASI QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI BOSHQARMASI

Кадастр агентлиги Қарақалпақстан Республикасы басқармасы

"Hududgaz Qoraqalpog’iston" gaz ta'minoti filiali

”Qaraqalpaq suw támiynatı” жуўапкершилиги шекленген жәмийети

“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ Qoraqalpog'iston hududiy filiali

Нөкис қаласы ҳәкимлиги

Елликқала районы ҳәкимлиги

Беруний районы ҳәкимлиги

Әмиўдәрья районы ҳәкимлиги

Кегейли районы ҳәкимияты

Қоңырат районы ҳәкимлиги

Тақыятас районы ҳәкимлиги

Мойнақ районы ҳәкимлиги

Тахтакөпир районы ҳәкимлиги

Шымбай районы ҳәкимлиги

Хожели районы ҳәкимлиги

Қараөзек районы ҳәкимлиги

Қанлыкөл районы ҳәкимлиги

Нөкис районы ҳәкимлиги

Шоманай районы ҳәкимлиги

Бозатаў районы ҳәкимлиги

Төрткул районы ҳәкимлиги

ЎзР Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан тегишли иложлар кўришингизни сўрайман.

Hujjat kodi: **FK9[illegible]189**

**№1/212**
25 May 2023

**F.U.ERMANOV**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**

# FARMONI

2023 yil «24» май №ПФ–76

**Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги **"Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги** ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

**1.** Қуйидагилар:

**Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

**Соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари** 2-иловага мувофиқ;

**Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотларни қайта ташкил этиш ва номлаш дастури** 3-иловага мувофиқ;

**Рақамли технологиялар вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 4–4б-иловаларга мувофиқ;

**Рақамли технологиялар соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича "йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2.** Белгилаб қўйилсинки, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, шунингдек, рақамли хизматлар ва сервислардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (кейинги ўринларда – Ягона портал) рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг **ягона нуқтаси** ҳисобланади;



Ягона портал орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш босқичлари **"3 қадам"** тамойили асосида **мақбуллаштирилади;**

2023 йил 1 декабрга қадар фуқаролар рақамли хизматлардан **мустақил равишда фойдаланишлари** учун имконият яратиш мақсадида давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда **14** та **"Рақамли хизмат нуқта"лари** ташкил этилади;

2024 йил 1 январга қадар **рақамли хизмат** ва **сервислар, электрон тўловлар, медиа ресурслар** имкониятини бирлаштиришни назарда тутувчи **Ягона портал** орқали хизматларни тақдим этишнинг **янги дастурий таъминот шакли** жорий этилади.

**3.** "Рақамли ҳукумат" тизими доирасида:

**а)** Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган **давлат бошқаруви** ва **иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини** рақамлаштириш ҳамда **ҳудудларни рақамли трансформация** қилиш бўйича **устувор лойиҳалар** амалиётга татбиқ этилади;

**б) қоғозсиз иш юритишга** ўтиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими негизида ишлаб чиқилган **"edo.ijro.uz" модули орқали** электрон ҳужжат **айланиш тизимига**:

**2023 йил 1 сентябрдан** бошлаб **ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари;**

**2024 йил 1 майдан** бошлаб ижро этувчи ҳокимиятнинг **ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидаги** ташкилотлар тўлиқ ўтказилади.

**4.** Белгилансинки:

**а) 2023 йил 1 августдан бошлаб** давлат органларида рақамли технологияларни жорий этишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига **иқтисод қилинган маблағларнинг 50 фоизи** келгуси молия йилида мазкур давлат органлари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилади;

устав фондида давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида **иқтисод қилинган маблағлар** ҳисобидан лойиҳа учун бевосита масъул ходимларни **моддий рағбатлантириш механизмини** жорий этиш тавсия этилади;

6) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ахборот тизимларида "Рақамли ҳукумат" тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштирилган ягона **умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан** фойдаланишлари шарт.

5. **2024 йил 1 январдан** бошлаб Рақамли технологиялар вазирлигининг қуйидаги **функциялари хусусий секторга** ўтказилсин:

алоқа соҳасидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун **лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;**

алоқа соҳасидаги маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларни **лойиҳалаштириш.**

6. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 августдан бошлаб:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги **халқаро сертификатга эга** бўлган давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул ходимларига ўрнатилган устамаларга қўшимча равишда ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ва иш ҳақи фонди доирасидаги бюджет маблағлари ҳисобидан лавозим маошига нисбатан **20 фоиз миқдорда** устама тўланади. Бунда, **халқаро сертификат** рўйхати Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантирилади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

Рақамли технологиялар вазирлигининг ахборот технологиялари ҳамда рақамли хизматлар жорий этилиши ҳолатини баҳолаш рейтинги билан қамраб олинмаган давлат органлари раҳбарларининг **рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига** ушбу идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **30 фоизи миқдорида устама** ҳақ тўланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб **Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат** инспекцияси томонидан **ҳар ярим йилда** инсон омилисиз шаклланадиган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг **Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиш даражаси рейтинги** эълон қилиб борилади.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг 7 май санасини **Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ходимлари куни** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.



10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбе Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 7-иловага муво ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг **ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар** этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QORAQALPOG`ISTON RESPUBLIKASI SOG`LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQ SAQLAW MINISTRLIGI

230105, Nukus shaxri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @ssv.uz

230105, Nokis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @ssv.uz

2023 yil“26” 05
№ 04/3592

**Барча Даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 25-май кунги 1/212-сонли хатини маълумот ва ижро учун юбормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-76-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

*Илова: __варақда*

**Вазир ўринбосари** **Т.Сарбаев**